

**2023 йилда давомида ҳудудий статистика органларининг фаолияти**  
**натижадорлиги бўйича ўтказилган баҳолаш якунлари**

Ҳудудий статистика идоралари фаолиятини баҳолаш ва рейтингини юритиш Статистика агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 октябрдаги 855-сон қарорига мувофиқ йўлга қўйилган.

Баҳолаш 7 та, шу жумладан, маълумотларни аниқлиги ва ишончлилиги, маълумотларнинг ўз вақтидалиги ва пухталиги, ўзаро боғлиқлик ва қиёсийлик, қулайлик ва аниқлик, ҳисобот топширувчи субъектларга иш ҳажмининг мўътадиллиги, статистик инструментарийдан ишончли фойдалана олиш ҳамда қўшимча мезонлар асосида жами 17 та индикатор ёрдамида умумий 144 баллик системада амалга оширилади.

2023 йил якунлари бўйича ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра, таҳлиллар 4-чорак давомида барча вилоятларда ижобий ўзгариш ва умумий ҳисобда барча ҳудудларда ижобий ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда.

2023 йилнинг 4- чораги натижаларига кўра Навоий вилояти 132,57 балл билан 1-ўринни, Наманган вилояти 132,20 балл билан 2-ўринни ва Сурхондарё вилояти 131,94 балл билан 3-ўринни эгаллади.

Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (14-ўрин, 128,97 балл), Қашқадарё вилояти (13 ўрин, 129,60 балл) ва Андижон вилояти (12-ўрин, 129,83 балл)га тўғри келди.

**2023 йил давомидаги барча чораклар йиғиндиси бўйича, Навоий вилояти 135,57 балл билан 1-ўринни, Наманган вилояти 135,57 балл билан 2-ўринни ва Хоразм вилояти 133,24 балл билан 3-ўринни эгаллади.**

Энг паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (14-ўрин, 130,80 балл), Жиззах вилояти (13-ўрин, 130,53 балл) ва Тошкент шаҳар (12-ўрин, 129,74 балл)га тўғри келди.

2023 йил 4-чорак бўйича камчиликларга тўхталиб ўтадиган бўлсак:

- **1-индикатор бўйича** (20 баллик системада – ҳудудий статистика бошқармалари томонидан давлат статистика ҳисоботлари қамровини таъминланиши сифати) Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида камчиликлар кузатилган (19 балдан олиб паст натижага эришган);

- **3-индикатор бўйича** (9 баллик системада – ҳудудий статистика бошқармалари томонидан танланма статистик кузатувларни тайёрлаш ва ўтказиш сифати) Андижон вилояти 7,8 балл, Фарғона вилояти 7,7 балл ва Тошкент шаҳри 7,3 баллдан баҳоланиб, нисбатан паст натижага эришган (савдо статистика йўналишида);

- **6-индикатор бўйича** (3 баллик системада – ҳудудий статистика бошқармалари томонидан веб сайтларига жойлаштирилган

маълумотларнинг Статистика агентлиги таҳлилий маълумотлари билан мослиги тўғрисида) Андижон ва Бухоро вилоятлари 2,77 балл, Тошкент шаҳри 2,56 баллдан баҳоланиб, нисбатан паст натижага эришган;

- **13-индикатор бўйича** (6 баллик система – ҳудудий статистика бошқармаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўйича бажарилаётган ишларнинг натижалари) Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари 5,3 баллни қўлга киритиб, нисбатан паст натижага эришган;

- **14-индикатор бўйича** (6 баллик система – ҳудудий статистика бошқармаларида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Давлат дастурлари, қўмитанинг чора-тадбирлар режалари бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини) Сирдарё ва Тошкент вилоятлари 3,0 баллни қўлга киритиб, нисбатан паст натижага эришган;

- **15-индикатор бўйича** (10 баллик системада – ҳудудий статистика бошқармалари томонидан аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича таъминланиши сифати) Бухоро вилояти 9,8 балл, Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳри 9,6 баллдан баҳоланиб, нисбатан паст натижага эришган;

- **16-индикатор бўйича** (10 баллик системада – ҳудудий статистика бошқармалари томонидан молия хўжалик фаолиятидан топилган даромадлари тўғрисида маълумот) Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари 5,5 баллдан баҳоланиб, нисбатан паст натижага эришган;

- **17-индикатор бўйича** (10 баллик системада – ҳудудий статистика бошқармалари ходимлари билим ва кўникмаларини тест синовларидан ўтказиш натижалари) Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон, вилоятлари 6,2 балл, Тошкент шаҳар 6,2 балл га баҳоланиб, нисбатан паст натижага эришган.

Ўтган даврлар билан солиштира таҳлили:

Навоий вилояти 2022 йил 4-чоракка ва жорий йилнинг 3-чорагига нисбатан эса ўзгаришсиз ҳолати;

Наманган вилояти 2022 йил 4-чоракка нисбатан **1** поғонага тушиш, жорий йилнинг 3-чорагига нисбатан эса ўзгаришсиз ҳолати;

Сурхондарё вилоятида эса 2022 йил 4-чоракка нисбатан ўзгаришсиз, ўтган чоракка нисбатан **4** поғонага ўсиш ҳолати;

Жиззах вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **9** поғонага, жорий йилнинг 3-чорагига нисбатан эса **8** поғонага ўсиш ҳолати;

Тошкент вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан 6 поғонага, жорий йилнинг 3-чорагига нисбатан эса 3 поғонага ўсиш ҳолати;

Хоразм вилоятида 2022 йил 4-чорагига ва 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан 2 поғона тушиш ҳолати;

Бухоро вилоятида 2022 йил 4-чорагига нисбатан **2** поғона ўсиш, 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан **1** поғона тушиш ҳолати;

Фарғона вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **5** поғонага ўсиш, жорий йилнинг 3-чорагига нисбатан эса **5** поғонага пасайиш ҳолати;

Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йил 4-чорагига нисбатан **4** поғона пасайиш, 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан **5** поғона ўсиш ҳолати;

Тошкент шаҳрида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **4** поғонага, жорий йилнинг 3-чорагига нисбатан эса **3** поғонага ўсиш ҳолати кузатилган.

Шунингдек, Самарқанд вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **5** поғона ва 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан **2** поғона, Андижон вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **2** поғона ва 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан **7** поғона, Қашқадарё вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **1** поғона ва 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан **3** поғона, Сирдарё вилоятида 2022 йил 4-чоракка нисбатан **7** поғона ва 2023 йилнинг 3-чорагига нисбатан **3** поғона тушиш кузатилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
статистика бошқармалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш  
(2023 йилнинг барча чораклари бўйича)**

	Тўпланган жами баллар				2023 йил Ўртача йиллик балл	Рейтингдаги ўрни				2023 йил Ўртача йиллик балл бўйича рейтинг
	2023 йил 1-чорак	2023 йил 2-чорак	2023 йил 3-чорак	2023 йил 4-чорак		2023 йил 1-чорак	2023 йил 2-чорак	2023 йил 3-чорак	2023 йил 4-чорак	
<b>Навоий</b>	129,1	140,3	140,3	132,6	<b>135,6</b>	1	4	1	1	<b>1</b>
<b>Наманган</b>	129,0	138,6	138,6	132,2	<b>134,6</b>	3	7	2	2	<b>2</b>
<b>Хоразм</b>	128,8	141,4	131,6	131,1	<b>133,2</b>	4	1	4	6	<b>3</b>
<b>Сурхондарё</b>	127,2	141,2	130,6	131,9	<b>132,7</b>	9	2	7	3	<b>4</b>
<b>Бухоро</b>	127,3	140,7	131,3	130,9	<b>132,6</b>	8	3	6	7	<b>5</b>
<b>Фарғона</b>	127,6	135,6	132,9	130,6	<b>131,7</b>	6	13	3	8	<b>6</b>
<b>Тошкент вил</b>	127,4	136,9	129,8	131,2	<b>131,3</b>	7	11	8	5	<b>7</b>
<b>Сирдарё</b>	128,3	138,7	129,3	129,0	<b>131,3</b>	5	6	11	14	<b>8</b>
<b>Андижон</b>	126,6	137,1	131,5	129,8	<b>131,2</b>	10	10	5	12	<b>9</b>
<b>Қашқадарё</b>	125,5	139,6	129,5	129,6	<b>131,0</b>	12	5	10	13	<b>10</b>
<b>Самарқанд</b>	125,3	138,5	129,7	129,9	<b>130,8</b>	13	8	9	11	<b>11</b>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	129,0	138,0	125,8	130,4	<b>130,8</b>	2	9	14	9	<b>12</b>
<b>Жиззах</b>	126,5	135,0	129,0	131,6	<b>130,5</b>	11	14	12	4	<b>13</b>
<b>Тошкент ш.</b>	125,0	136,2	127,6	130,2	<b>129,7</b>	14	12	13	10	<b>14</b>



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI  
HUZURIDAGI STATISTIKA AGENTLIGI

**NAVOIY VILOYATI STATISTIKA  
BOSHQARMASI JAMOASI**

2023-yil davomida hududiy statistika organlarining  
faoliyati natijadorligi yuzasidan o'tkazilgan  
reyting bo'yicha

I darajali

# DIPLOM

*bilan taqdirlanadi*

DIREKTOR

B. BEGALOV





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI  
HUZURIDAGI STATISTIKA AGENTLIGI

**NAMANGAN VILOYATI STATISTIKA  
BOSHQARMASI JAMOASI**

2023-yil davomida hududiy statistika organlarining  
faoliyati natijadorligi yuzasidan o'tkazilgan  
reying bo'yicha

II darajali

# DIPLOM

*bilan taqdirlanadi*

DIREKTOR

B. BEGALOV





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI  
HUZURIDAGI STATISTIKA AGENTLIGI

**XORAZM VILOYATI STATISTIKA  
BOSHQARMASI JAMOASI**

2023-yil davomida hududiy statistika organlarining  
faoliyati natijadorligi yuzasidan o'tkazilgan  
reying bo'yicha

III darajali

# DIPLOM

*bilan taqdirlanadi*

DIREKTOR

B. BEGALOV

